

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDAGI  
XULOSA**

**№**

**1. Loyihaning turi**

Shartnoma

**2. Loyihaning nomi**

Xo‘jalik shartnomasi

**3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot**

Xatirchi tuman xalq ta‘lim bo‘limi

06.04.2022 yil

Xatirchi tuman xalq ta‘lim bo‘limi bilan “Jasurbek gold servis” MCHJ o‘rtasidagi 131 233 115 so‘mlik shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti**



**M.Quldoshev**

**06.04.2022 yil**

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 54482 на приобретение Хатирчи туман  
ХТБга карашли 81-мактаб жорий таъмирлаш учун**

Способ проведения **электронный**

Дата 31.03.2022

Время рассмотрения 31.03.2022 16:25

Конкурсная комиссия Хатирчи тумани Халк таълими бўлими (ММБХ), (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	БАВАҚШОВ ОДИЛОН МАХМУДОВИЧ	Мудир	Хатирчи туман ХТБ
<b>Секретарь комиссии</b>	ХОЛМУРОДОВ ХУРСИД ҚУЛМАМАТОВИЧ	Хатирчи туман ХТБ МТЭБ бошлиғи	Хатирчи туман ХТБ
<b>Член комиссии</b>	ВУРҒУЕВ МАҚСУДУН РАХИДДИН ОҒЛИ	Хатирчи туман ХТБ МТЭБ уринбосари	Хатирчи туман ХТБ
<b>Член комиссии</b>	РАХМАТУЛЛАЕВ СУЛАЙМОНОВИЧ	ДХШБ мутахассиси	Хатирчи туман ХТБ ММБХ
<b>Член комиссии</b>	ГАДАЕВ АБДУЛАКИМ САҮРПЛАЕВИЧ	Бош ҳисобчи	Хатирчи туман ХТБ ММБХ
<b>Член комиссии</b>	ЗОIROV UMRZOK ТУХТАТОШЕВИЧ	коммунал туловлар ишлаш бўйича мутахассиси	ХТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 31.03.2022 года № лота 54482.  
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий 81-мактаб
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	147 034 173.00
Стартовая сумма	147 034 173.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 3. Пудратчи тугрисида маълумот, Рейтинг

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот низоми, руйхатдан ўтказилгани тугрисида маълумот нуқаси, ташкилот тақрибий структураси Пудратчининг Курилиш вазирилиги махсус электрон прототида рейтинг маъжурлиги тугрисида маълумот (ССС бўлиш авазлрок)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Jasurbek gold servis	25	131233115	25	Экспертная		
BOG ISHAYOL FAROVONLIGI МЧЖ	25	139042371	25	Экспертная		
Firdavs building new	25	116156997	17	Экспертная		
ЧП СУХРОВ МИЗРОВ ТИЛЛО	25	илова килинди	12.5	Экспертная		

Критерий №2 2. Ишчи тугрисида ходимлар, Иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Инженер техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тугрисида маълумот Ташкилотни охирти учун йил мобайнида бажарган ишлари ҳамда конкурс объектга ухшаш объеклда бажарган ишлари тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Jasurbek gold servis	25	131233115	25	Экспертная		
BOG ISHAYOL FAROVONLIGI МЧЖ	25	139042371	25	Экспертная		
Firdavs building new	25	116156997	25	Экспертная		
ЧП СУХРОВ МИЗРОВ ТИЛЛО	25	илова килинди	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Критерий №3 1. Моливий ҳолати, Машина механизмлар тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Корxonани охирти йиллик балланс ҳисоботлари (Давлат солиқ инспекциясидан тасдиқланган бўлиш керак), Курилиш ташкилотини ҳисоб рақамида конкурсдаги курилиш ишлари суммасини 20 % икдорда пу маблағи маъжуд бўлиши ёки шу икдорда айланма маблағи борлиги тугрисида банк хати Ташкилотни балансида маъжуд машина механизмлари ҳақида маълумотлар ёки керакали машини ва механизмлар билан таъминловчи корxonанинг кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Jasurbek gold servis	25	131233115	25	Экспертная		
BOG ISHAYOL FAROVONLIGI МЧЖ	25	139042371	25	Экспертная		
Firdavs building new	25	116156997	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
ЧП СУХРОВ МИЗРОВ ТИЛЛО	25	илова килинди	25	Экспертная		

Критерий №4 4. Банк ва солиқдан қарзи йуқлиги тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк ва солиқдан қараи йуқлиги туғрисида маълумот. қайси турдаги солиқ туловчи эканлиги туғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Jasurbek gold servis	25	131233115	12.5	Экспертная		
BOG ISHAMOL FAROVONLIGI МЧЖ	25	139042371	25	Экспертная		
Firdavs building new	25	116156997	25	Экспертная		
ЧП СУХРОВ МИЗРОВ ТИЛЛО	25	илова килинди	25	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
Jasurbek gold servis	147 034 173.00	131 233 115.00	28.03.2022 19:26:02	100.00
BOG ISHAMOL FAROVONLIGI МЧЖ	147 034 173.00	139 042 371.00	29.03.2022 00:01:32	94.38

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
Jasurbek gold servis	Прошел	100	100
BOG ISHAMOL FAROVONLIGI МЧЖ	Прошел	94.38	94.38
ЧП СУХРОВ МИЗРОВ ТИЛЛО	Не прошел	Не прошел	Не прошел
Firdavs building new	Не прошел	Не прошел	Не прошел

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 54482 от 31.03.2022 года на приобретение Хатирчи туман ХТБга карашли 81-мактаб жорий таъмирлаш учун определила победителем:

Jasurbek gold servis  
301260490

и резервный исполнитель: BOG ISHAMOL FAROVONLIGI МЧЖ (301164436)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ВАВАҚУЛОВ ОДИЛЖОН МАХМУДУВИЧ	Согласен	
Член комиссии	ZOIROV UMRZOK TUXTATOSHEVICH	Согласен	
Член комиссии	BURIYEV MAQSUDJON FAXRIDDIN O'GLI	Согласен	
Член комиссии	RAHMATULLAYEV ASLIDDIN SULAYMONOVICH	Согласен	

Член комиссии

GADAYEV ABDIHAJIM SAYRILLAYEVICH

Согласен

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

## ШАРТНОМА № 81

### Хатирчитуман ХТБга қарашли №81-сонли мактаббиносини жорий таъмирлаш ва фойдаланишга топшириш.

Хатирчи туман

04.04.2022-й

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Хатирчи туман ХТБ мудирини номидан «Низом» асосида иш курувчи О.Бабакулов бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Жасурбек голд сервис» МЧЖ номидан «Низом» асосида иш курувчи Д. Абдуллаева иккинчи томондан Хатирчи туман ХТБга қарашли №81-сонли мактаббиносини жорий таъмирлаш ва фойдаланишга топширишга доир маъруза шартноматузатиладилар.

#### I. ТАРИФЛАР

1.1 Мазкур шартномада куйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга қилинган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қилинишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятлик конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтлари ҳамда қилиниш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатилган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

#### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларига ХТБга қарашли №81-сонли мактаббиносини жорий таъмирлаш учун лойиҳада кўзда тутилган таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

#### ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

Мазкур шартнома бўйича танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов савдоси комиссиясининг қарори ( сана 31.03.2022 йиллот № 54482 электрон баённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 131 233 115 (Бир юз уттиз бир миллион икки юз уттиз уч мнг бир юз ун беш сўм) ни ташкил этади.

#### IV. ПУДРАТЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 4\_ - иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган даракларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини сўғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини ўрқилинишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш; молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 3-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий

молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;



## **VI ИШЛАРНИБАЖАРИШМУДДАТЛАРИ**

### **5.1. Шартнома:**

имзолаган пайтдан бошлаб Хатирчи туман Газначилик булимидан руйхатдан утгандан сунг конвертация қилган холда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ руйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади.

Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## **VII ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдоридан, иш бошланиши оидан аванс тўлимига, 39 369 934,5 сўмни ташкил этади.

Буюртмачитомонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади

Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган аванс ҳисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.

Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссиясидан белгиланган тартибда мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдоридан, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## **VIII ИШЛАРНИБАЖАРИШ**

Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини, техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўлиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баланклик белгиларини тақдим этади.

Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларни санбатан объектнинг тўғрива зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баланклик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баланкликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улаш ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

Алоҳида масъулиятлик конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитект қурилиш назорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитект қурилиш назорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларнинг тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни сугуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

### **IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ**

Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

### **X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиغان куч ҳолатларини таъминлашда қийинчиликлар бўлишига олиб келадиган ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиغان куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

Агар енгиб бўлмайдиغان куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

Агар томонлар икки ойдан кўп вақтга мутаносиб равишда бевосита таъсир қилиши талаб қилишга ҳақлидир.

### **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ОҒОҲЛАНТИРИШ**

Томонлар бундан қийинчиликлар:

- Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғлиқ) шахслари ва ходимлари мазкур шартнома бўйича мажбуриятларини бажариш чоғида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш ва ёки коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларини бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар/ҳаракатсизлик қилмайдилар, шу жумладан (лекин чекланмаган ҳолда) пора бериш ёки пора бериш, пора бериш, товламачилик, пора олиш учун бевосита ёки билвосита розилик берадилар.

- Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғлиқ) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатли вакиллари, шу жумладан пул суммалари, совғалар бериш, уларга бепул хизмат кўрсатиш ёки ушбу ходим ёки ваколатли вакил томонидан унрағбатлангунгача томон фойдасига бирон-бир ҳаракат/ҳаракатсизлик бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажариш орқали рағбатлангунгача бош торгидилар.

6.1-банднинг қоидаларини бузиш содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлган шубҳалар мавжуд бўлса, мазкур шартноманинг тегишли томони бу ҳақда иккинчи томонни хабардор қилиши, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари бузилганлиги фактининг инкор этилмайдиган далиллар мавжуд бўлган тақдирда, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар ҳам хабардор қилиши шарт.

### **XI. ҚУРИЛИШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБОЛИШ**

Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

Пудратчи қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаш керак.

Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

### **XII. КАФОЛАТЛАР**

Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини; ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар,



конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартлари ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилган дамуҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш кўрсаткичларида мувофиқлигини кафолатлайди.

Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул

Қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 \_\_\_\_\_ ой этиб белгиланади. Объект кафолатли муддати камида 1 \_\_\_\_\_ ой этиб белгиланади. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг кичик томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитект қурилиш назорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### **XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-қоидаларига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорига, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорига пеня тўлайди.

Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитект қурилиш назорат" инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош торттиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### **XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

15.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмасан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

### **XVII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

Мазкур шартнома бирхил юридик кучга эга бўлган 4 нусхадатусидир.

Мазкур шартнома газначилик булинмасидан руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабр кунигача кадар амал қилади.

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

### Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари:

Пудратчи

Буюртмачи

Хатирчи туман «Жасурбек голд сервис» МЧЖ

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Навоий вилояти Хатирчи тумани

Тел./факс 93 - 436 - 80 - 66

Банк номи: Ипотека банк

Навоий шаҳар фил.

р/с 2826800004809928001

МФО 000295 СТИР 301260490

ИФУТ 4202

рабарни Абдулқасим

Хатирчи туман Халқ таълими бўлими  
(бюджетдан Маблағ олувчининг номи)

Манзил: Хатирчи туман Мустақиллик куча 2

Тел./факс :+ \_\_\_\_\_

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳ.

р/с 100022860122517092100075205

МФО 00014 СТИР 200026285

ОКОНХ:

О.Бабакулов.

Газначилик булинмаси номи

Хатирчи тумани

Газначилик булинмаси

Газнар/с: 234020030010001010

Банк номи: Марказий банк ХККМ МФО: 00014

СТИР: 201122919



Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

Мазкур шартнома бирхил юридик кучга эга бўлган 4 нусхадат узилди.

Мазкур шартнома газначилик булинмасидан руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабр кунигача кадар амал қилади.

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

### Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари:

Пудратчи

Буюртмачи

Хатирчи туман «Жасурбек голд сервис» МЧЖ

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Навоий вилояти Хатирчи тумани

Тел./факс 93 - 436 - 80 - 66

Банк номи: Ипотека банк

Навоий шаҳар фил.

р/с 2020800004809928001

МФО 000295 СТИР 301260490

ИФУТ 4202

рабарид Абдулқасим

Хатирчи туман Халқ таълими бўлими  
(бюджетдан Маблағ олувчининг номи)

Манзил: Хатирчи туман Мустақиллик куча 2

Тел./факс :+ \_\_\_\_\_

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳ.

р/с 100022860122517092100075205

МФО 00014 СТИР 200026285

ОКОНХ:

\_\_\_\_\_ О.Бабакулов.

Газначилик булинмаси номи

Хатирчи тумани

Газначилик булинмаси

Газнар/с: 234020030010001010

Банк номи: Марказий банк ХККМ МФО: 00014

СТИР: 201122919